



Ўзбекистон газ бериш эвазига Қирғизистондан ГЭС қурмасликни талаб қилмоқда

Ўзбекистон Қирғизистоннинг жанубига қайта газ беришни бошлаш эвазига Қамбарота ГЭС-1 қурилиши бўйича лойиҳани тўхтатишни талаб қилмоқда, деб хабар беради “Вечерний Бишкек”. “Ҳозирда Қирғизистон жанубига қайта газ етказиб бериш масаласи очиклигича қолмоқда. Чунки Ўзбекистон Қирғизистон ва “Газпром” учун қабул қилиб бўлмайдиган талабларни қўймоқда. Улар Қамбарота ГЭС-1 қурилишини батамом тўхтатишни талаб қилишмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон ва Қозоғистон билан ГЭС қурилишидаги фоиз ҳисобидаги улушларни бўлишиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон бу масалада ўз ёндашвида қатъий турибди”, – дея маълумот берган “Вечерний Бишкек”нинг бошқарувга яқин бўлган манбаси. “Мен Ўзбекистон бундай шарт қўяди деб ўйламайман. Ҳозирда Қирғизистон жанубига газ етказиб бериш бўйича музокараларни “Газпром” олиб бормоқда. Уларнинг Ўзбек томони билан ўзларининг алоҳида алоқалари бор. Ўйлайманки тез орада бу масала ўз ечимини топади”, – дея таъкидлайди бош вазир ўринбосари Тайырбек Сарпашев. Маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистон келиб чиқиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатлар туфайли кўшни Қирғизистон ҳамда Тожикистондаги ГЭСлар бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишига қарши бўлиб келишади. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири БМТ Ассамблеяста қилган нутқида дунё жамоатчилиги эътиборини ушбу масалага қаратишни ва халқаро экологик экспертиза ўтказишни талаб қилганди. Ўз навбатида Қозоғистон эса Қамбарота ГЭСи қурилишида қатнашишга тайёрлигини билдирганди.

UZBEK.FM



КАРИМОВ ТЕЛЕКАНАЛЛАР ВА РАДИОСТАНЦИЯЛАРНИ МИНАЛАШТИРИШНИ БУЮРДИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи билан республиканинг телекоммуникация инфратузумласи устидан назорат кучайтириладиган бўлди.

Телестудиялар ва трансляция минораларининг эгаллаб олинмаслиги учун улар миналаштирилиши ва каналлаштириладиган узиб қўйилиши мумкин.

Янги хавфсизлик чоралари тўғрисида НТТ телекомпанияси ходимлари билдиришган.

Уларнинг сўзларига кўра, телестудияга хужум уюштирилганда, эгаллаб олинганда ёки кимдир рухсатсиз эфирга чиқишга уринса “ўз-ўзини блокировка қилиш” қурилмаси ишга тушиши керак.

СА-News ахборот хизматининг ёзишича, бу ерда гап фавкулотда ҳолатда ҳаракатга келтириладиган портловчи қурилма ҳақида бораётган бўлиши мумкин.

“Озодлик” (“Озодлик Радиоси”) ва “Биржевой лидер” берган маълумотларга кўра эса Ўзбекистон ҳукуматининг бу ҳақдаги қарори 14 апрелдаёқ қабул қилинган. “Ўз-ўзини блокировка қилиш” тизимини ўрнатишдан ташқари телестудия ходимлари махсус

рухсатнома олишга ва Ўзбекистон МХХ текширувидан ўтишга мажбур бўладилар. Бундан ташқари, ҳукумат радиоэтиш қурилмалари жойлашган биноларни каналлаштириш ва вентиляция тизимларидан узиб қўйишни буюрганлар.

“Давлатимиз душманлари студияга каналлаштириш ва вентиляция трубалари орқали кириб олишлари ҳамда халқни ҳукуматга қарши даъват қилишлари мумкин”, — дея “Озодлик”ка билдирган НТТ ходими.

“Озодлик” берган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (УзМТРК) ҳам ўз ходимларини матбуот анжуманларида олдиндан келишилмаган саволлар бермасликлари ҳақида огоҳлантирган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон телевиденияси журналистларининг ҳорижда чиқишларига таъқиқ 2012 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Хўжаевнинг № 193 сонли буйруғи билан ўрнатилганди. Бироқ бу ҳақда компания ходимлари 2013 йилнинг 2-3 декабрига келибгина хабар топишганди.

ЎХХ ахборот бўлими



ЖЭН ПСАКИ: МУҲАММАД БЕКЖОН ТИББИЙ МУОЛАЖАГА МУҲТОЖ

Ўзбекистонда 15 йилдан буён қамокда қолаётган таниқли журналист Муҳаммад Бекжон масаласи илк бор АҚШ Давлат Департаментининг «Матбуотни озод қилинг!» деб аталувчи йиллик матбуот йиғинида тилга олинди.

60 ёшли Муҳаммад Бекжон 1999 йил 16 февраль портлашларига алоқадорликда айбланиб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва 2012 йилда унга яна 5 йил қўшиб берилган. Вашингтонда уюштирилаётган «Матбуотни Озод Қилинг» номли кампания доирасида АҚШ Давлат Департаменти матбуот вакили Жэн Псаки 28 апрель куни журналистлар билан суҳбатда эътиборни Муҳаммад Бекжон тақдирига қаратди.

- Муҳаммад Бекжонов 1999 йилдан буён қамокда қолаётган ўзбекистонлик журналистдир. Бекжонов Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитасига кўра, дунёдаги энг узок қамокда қолаётган журналистлардан. 2012 йилда Бекжонов озодликка чиқиш вақти келганида қамокхона тартибини бузганлик айби билан унга беш йиллик қамок муддати қўшиб берилди. Унинг соғлигига сўнгги 15 йил мобайнида жиддий путур етди. У ҳозир зудликда тиббий муолажага муҳтож. Ўзбекистон ҳукуматини зудликда унга тиббий ёрдамни кўрсатишга чақирамиз, — деди Псаки.

Ўтган йил Париждаги «Чегара билмас мухбирлар» ташкилоти ўзининг йиллик мукофотини Муҳаммад Бекжонга бериш тўғрисида қарор қабул қилганди.

Матбуот эркинлиги ҳимояси учун курашчи сифатида тақдирланаётган Муҳаммад Бекжон камалишидан

олдин муҳолифатдаги “Эрк” демократик партияси нашрига муҳаррирлик қилган.

60 ёшли Муҳаммад Бекжон 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган портлашларга алоқадорликда айбланиб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва бу муддат 2012 йилда тугаши керак эди. Аммо у 2012 йилнинг 25 январь куни Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги қамокхонада бўлиб ўтган маҳкамада “ички тартибни бузди”, деган айблов билан яна беш йиллик жазога ҳукм қилинган. Муҳаммад Бекжон ўзи устидан ўтказилган маҳкамада портлашларга алоқадорлик ҳақидаги айбларни қатъиян рад этган эди.

Ҳозирда Бекжон Навойдаги Зарафшон қамокхонасида сақланмоқда.

Шу йилнинг март ойида уни қамокхонага бориб кўрган рафиқаси Нина Бекжон турмуш ўртоғининг соғлиги ўта ёмонлашгани ва унга жаррохлик амалиёти зарурлигини айтган эди.

Муҳаммад Бекжоннинг рафиқаси ва уч қизи ҳозир Америка Қўшма Штатларида яшашади.

Қамалишидан олдин Муҳаммад Бекжон муҳолифат нашри ҳисобланган “Эрк” газетасига бош муҳаррирлик қилган. У муҳолифатдаги Ўзбекистон халқ ҳаракати ва Эрк партияси лидери Муҳаммад Солиҳнинг укасидир.

Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Муҳаммад Бекжон президент Каримовнинг сиёсий рақиби бўлган акаси Муҳаммад Солиҳнинг фаолияти учун жазоланганини айтишади.

Ўзбекистонда гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва беморларга сотиш шартлари ўзгарди

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 23 апрелдаги № 1090-1 сонли буйруғи билан Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, сотиш, тарқатиш, ҳисобга олиш шартлари ҳақидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, деб хабар беради noma.uz. Ушбу Низом Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланмаси билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишлидир. Низомга киритилган ўзгартишларга кўра даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларининг мажбуриятлари кенгайтирилган. Улар ҳар чоракда дорихоналарга гиёҳвандлик воситалари учун рецепт ёзиб бериш ҳуқуқига эга шифокорлар рўйхатини тақдим этади.

Унга даволаш-профилактика муассасалари раҳбари томонидан тасдиқланган шифокорлар имзоси ва шахсий муҳрлари намуналари илова қилинади. Гиёҳвандлик воситалари учун рецепт махсус пуштиранг қоғозда фақат лотин тилида ёзилади. Эндиликда амбулатория-поликлиника муассасаларидаги даволовчи врачлар гиёҳванд моддалар чиқарилган кундан етти кун ўтибгина уларни қайта ёзиб бериш ҳуқуқига эгалар. Бунда ҳам даволанувчи ёки унинг қариндошлари томонидан ампула миқдори кўрсатилган олдинги рецептни тақдим қилишларига шарт қилиб қўйилган. Рецепт аввалгидек ўн кун эмас, балки, энди етти кун ичида амал қилади. Қабул қилинган ҳужжатга кўра олдин қабул қилиб олинган таркибида гиёҳванд моддалар мавжуд дори воситалари учун ёзилган рецептларнинг дорихоналардаги сейфларда ёки даволаш-профилактика муассасаларидаги метал шкафларда 5 йил давомида сақланиши лозимлиги тўғрисидаги талаб олиб ташланган. Ҳужжат яна бошқа қатор ўзгартиш ва қўшимчаларни қамраб олади. Мазкур Қарор 2014 йил 28 апрелдан бошлаб кучга кирди.

UZBEK.FM

ЎзТВда Россияга қарши “Хавф-Хатар” хужжатли фильм намоиш этилди

ЎзТВнинг “Ўзбекистон” каналида 2014 йил 1 май оқшомида намоиш этилган “Хавф-Хатар” хужжатли фильмида Россия Федерацияси экстремист ва террористларни тайёрловчи диёр сифатида тасвирланди.

Фильм асосан “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик жамиятига қарашли кассаларда темир йўл чипталарини олиб сотиш, фуқароларни Ўзбекистон ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш ва бошқа жиноятлар билан шуғулланувчи майда гуруҳлар фаолиятига бағишланди.

Аммо “Хавф-Хатар”нинг иккинчи қисмида муаллифлар асосий мавзу қолиб, телеомошабинларнинг эътиборини Россия Федерациясида фаолият юритаётган ва ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларини ноқонуний диний таълим ҳамда исломий жиҳодга тарғиб қилиш билан шуғулланаётган жамоатлар фаолиятига кўчиришди.

“Афсуски, Россия Федерациясига ишлаш учун кетаётган ёшларимизнинг баъзилари Сурия, Ливия, Афғонистон ва Покистонга мужоҳидлар жўнатиш билан шуғулланувчи экстремистик жамоатларнинг нишонига айланиб қолишмоқда”, — деди Россия пойтахтининг кўчалари акс этган кадрлар ордидан гапирган диктор.

Бундан ташқари, “Хавф-Хатар” фильмининг иккинчи қисмида дунёнинг сиёсий картаси намоиш этилиб, унда Россия Федерациясининг худуди исломий

мужоҳидлар ва қизғин ҳарбий ҳаракатларга тўла бир худуд сифатида тасвирланди.

Фильм муаллифлари жиззахлик Ғолиб Мамарасулов, Нуриддин Яхшибоев ва бошқа ўзбек ёшлари тақдир ҳақида сўзчиб, улар, гўёки, Россия масжидларида жиҳодий гуруҳлар учун жангарилар тайёрлаб бериш билан шуғуллангани ҳақида хабар беришди. Хусусан, Нуриддин Яхшибоев ўзининг интервьюсида: “Россия масжидларида жума намозларидан кейин баъзи диний уламолар исломий жиҳод афзалликлари ҳақида маърузалар қилиб, мусулмонларни ғайридинларга қарши жиҳод қилишга очикдан-очик чақиривади”, — деди.

Фильм учун интервью берган ўзбекистонлик баъзи жамоат арбоблари ҳам Россияга қарши фикр билдириб, Ўзбекистон аҳолисининг Россияга кетиб ишлашига кескин норозилик билдиришди.

“Чунки у ерда фуқароларимизнинг диний ва бошқа фаолияти устидан давлат назорат йўқ”, — деди интервью берганлардан бири.

“Хавф-Хатар” фильмининг умумий мазмуни Ўзбекистон ҳукумати Россия Федерациясини ўзбек фуқароларидан исломий мужоҳидлар тайёрлаш учун қулай шароит яратиб бераётган давлат сифатида кўришини намоиш қилди. Ўзбекистондаги давлат тарғибот машинасининг Россияга қарши илк амалий қадами бошқача изоҳлаш қийин.

ЎХХ ахборот бўлими

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Туркияга учиб кетадиган йўловчиларни огоҳлантирди

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Туркияга учиб кетадиган йўловчиларни огоҳлантирди. Бу ҳақда 25 апрель куни авиакомпаниянинг расмий сайтыда эълон қилинди. «Туркияга учиб кетадиган йўловчилар диққатига шунга қаратамизки, агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортининг амал қилиш муддати тугашига 90 кундан кам вақт қолган бўлса, улар Туркия худудига учиб кета олмайдилар», — дейилади авиакомпания хабарида. Авиакомпания хабарида ушбу

амалиёт қачондан бошлаб кучга кириши ва бунинг сабаблари багафсил тушунтирилмаган. Эслатиб ўтаамиз, 2014 йил 1 июлдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 6 февралда имзоланган, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқишини тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги қарори” билан Ўзбекистон фуқаролари хорижга фақат биометрик паспорт билан чиқишлари белгилаб қўйилганди.

UZBEK.FM

Олмаликлик коллеж битирувчилари: “Биз ҳеч кимга керак эмас эканмиз!”

ЎХХ сайтыда Олмалик шаҳридаги 17-сон касб-хунар коллежи талабалари президент Каримов номига ёзилган шикоят хати нусхаси эълон қилинди. Шикоят хати бу йил коллежни битириш арафасида турган ўттизга яқин талаба номидан ёзилган. “Биз, Олмалик шаҳар 17-сон касб-хунар коллежи битирувчилари Сизга бизнинг келажак тақдиримизда амалий ёрдам беришингизни сўраб мурожаат қилмоқдамиз. Мазкур йили биз касб хунар коллежининг электромеханик мутахассислигини эгаллаб, битириш арафасида турибмиз, бироқ бизни ҳеч ким ишга қабул қилмаяпти, биздан ҳамма воз кечмоқда, биз ҳеч кимга керак эмас эканмиз.

Биз кимга, қаерга мурожаат қилишимиз керак, Нима қилмоғимиз керак? Ахир биз катта ҳаётга йўл қўйиш арафасида турибмиз!

Бизга болалигимиздан ҳақиқатга, қонун устуворлигига ишонишга ўргатишган. Президентимиз келажак биз – ёш авлод қўлида эканини таъкидлаган, у ҳамиша биз ҳақимизда қайғуришига ишонамиз! Лекин мутасадди кимсалар амалда қандай чора кўришяпти? Бизнинг тақдиримизга, келажакимизга бефарқ қарашмоқда.

Ушбу шикоят хат орқали Сиздан касб-хунар коллежини битиргач иш билан таъминлашда бизга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраб ишонч билан ёзмоқдамиз”, — дейилади хатда.

Маълумки, президент Каримов 2013 йил якунларига бағишланган Ўзбекистон ҳукумати мажлисида қилган маърузада:

“Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди ва айтиш жоизки, бунинг аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди”, — деб мактанганди.

Кўриниб турибдики, қоғоздаги маълумот ҳеч қачон Ўзбекистондаги реал воқеликни акс эттирмайди.

ЎХХ ахборот бўлими

МУҲАММАД БЕКЖОНГА СРЖ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Нью Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси (СРЖ) 3 май — халқаро матбуот эркинлиги куни арафасида Ўзбекистонда қамокда қолаётган муҳолифатчи журналист Муҳаммад Бекжонни матбуот эркинлиги халқаро мукофоти билан мукофотлади.

Тошкентда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида мукофотни Муҳаммад Бекжон номидан унинг қизи қабул қилиб олди.

60 ёшли Муҳаммад Бекжон 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган портлашларга алоқадорликда айбланиб, 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва бу муддат 2012 йилда тугаши керак эди.

Аммо унинг қамок муддати узайтирилиб келинмоқда. “Муҳаммад Бекжон 15 йилдан буён қамокда қолмоқда ва у дунёдаги энг узоқ қамокда қолаётган журналистларнинг бири”, дейилади Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитасининг 29 апрель куни эълон қилинган ҳисоботида.

28 апрель куни Вашингтонда уюштирилган «Матбуотни озод қилинг» номли кампания доирасида АҚШ Давлат Департаменти матбуот вакили Жэн Псаки Муҳаммад Бекжон тақдирига эътибор қаратганди.

- Унинг соғлигига сўнгги 15 йил мобайнида жиддий путур етди.

У ҳозир зудликда тиббий муолажага муҳтож. Ўзбекистон ҳукуматини зудликда унга тиббий ёрдамни кўрсатишга чақирамиз, — деганди Псаки.

Қароргоҳи Парижда бўлган «Чегара билмас мухбирлар» ташкилоти февраль ойида эълон қилинган жаҳон мамлакатларидаги матбуот эркинлигини баҳоловчи навбатдаги йиллик ҳисоботида ҳам Муҳаммад бекжон тақдирдан ташвиш билдирган.

Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича бўлими раҳбари Йохан Биҳр “Ўзбекистонда камида 10 журналист ҳамон қамокда қолмоқда.

Тўрт нафари журналистик фаолияти учун қамокда азоб чекмоқда, қолгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиб чиққани учун қамалган.

Қамокда қолаётган журналистларнинг бири Муҳаммад Бекжон”, деб билдирган.

Муҳаммад Бекжон 2013 йилда Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Матбуот эркинлиги мукофоти билан тақдирланган эди.

Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонни сўз эркинлиги бўғилаётган мамлакатлар рўйхатига киритиб келади.

Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг 180 мамлакатдаги вазиятга баҳо берилган ҳисоботида Ўзбекистон сўз эркинлиги борасида ўтган йилгига нисбатан икки поғона пастлаб, 166-ўринни эгаллагани қайд этилади.

Ўтган йили Ўзбекистон бу рейтингда 164-ўринни эгаллаб турганди, ундан аввалги йили эса 157-ўринда эди.

Манба: ozodlik.org



Тошкентда бир яшик “Молотов коктейллари” ортилган автомобил ушланди

«Новый век» нашрининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидаги ўз манбасига таяниб хабар беришича Тошкентда бир яшик молотов коктейли – шиша идишга қуйилган ёнувчан ёқилғи ортилган машина қўлга олинган.

Манба берган маълумотга кўра Тошкентдаги ҳарбий госпитал яқинида йўл патруль хизмати ходимлари томонидан “Матиз” автомобили тўхтатилган. Машина текширилганда эса ундан бир яшик “молотов коктейли” ҳамда никоблар ва совуқ қуроллар чиққан.

Автомобилдаги фуқаролар қўлга олинган ва Олмазор туман Ички ишлар туман бўлимига олиб кетилган. Ушланганлар қаршилик кўрсатишмаган. Ҳозирда мазкур иш бўйича тергов жараёни кетмоқда. Машинадан топилган ашёлар бўйича қўлган олинганларнинг қандай изоҳ бергани тўғрисида маълумотлар йўқ.

UZBEK.FM

Навоийда ҳайдовчилар видео-назоратга олинди

Жорий йилдан бошлаб Навоий вилоятида Park Right S04 видеоназорат тизими ишга туширилди, деб хабар беради 12uz.com. Мазкур тизим қачондир йўл ҳаракати қоидаларини ёки ташиш талабларини бузган, белгиланган муддатда жарима тўламаган ҳамда протокол тузилиб ҳужжатлари олиб қўйилгандан кейин ҳужжатсиз равишда автоуловни бошқараётган ҳайдовчиларни аниқлаш мақсадида ўрнатилган.

Навоий вилояти Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг сўзларига кўра қурилма йўл-патруль хизмати машиналарига ўрнатилади.

“Давлат рўйхатидан ўтган номери қарздорлар базасида бўлган машина кўринганида қурилма сигнал чалади. Қурима экранда ҳайдовчи ҳақидаги маълумотлар ва содир қилинган ҳуқуқбузарликлар рўйхати пайдо бўлади. Кейин машина яқин постлардан бирида тўхтатилади.

Қурилма базаси ҳар куни янгиланиб боради. Бир ой мобайнидан ўн мингдан ортиқ ҳуқуқбузарларнинг етти мингдан ортиғи жарималарини тўлашди”, — дея таъкидлайди ИИБ вилоят бошқармаси вакили. Бундан ташқари ҳозирда лицензиясиз одам ташиш билан шуғулланаётганлар

ҳамда вилоят худудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган бошқа вилоятдан келган ҳайдовчиларнинг алоҳида маълумотлар базаси шакллантириляётгани айтилади.

Олдин хабар берганимиздек, 2014 йилнинг биринчи чорагида республика бўйлаб ўтказилган мингдан ортиқ қўшма рейд давомида 16 693 ҳолатда автоулов эгаларининг лицензиялаш соҳасида қонун бузилишларга йўл қўйгани аниқланган. Натижада лицензиясиз фаолият кўрсатган шахсларга нисбатан 2 миллиард 548 миллион сўм миқдорда жарималар қўлланилган.

UZBEK.FM



томонларда Путин ҳукумати даъвати билан бир давлатни бўлиб ташлашга ҳаракат қилаётган ўрисларни Украина ҳукумати террорчилар деса, Путинни аллақерлари кичияпти,демак.

Шундай мутахамлар сиз билан бизларни ҳимоя қиладими?

Аждодларимизни кириб ташлаб, бизларни ҳалигача қутила олмаётганимиз, социализм деган бало ғояга гирифтор қилганлардан

Путин сиёсатини ўзбек муҳолифати вакилининг қўллаши - бизнинг фалокатимиздир!

“Озодилк” радиоси орқали яқинда берилган Украина ва Россия сиёсатига бағишланган эшиттиришни тинглаб, тушимми ўнгимми, билмай қолдим.

Муҳаммад Солиҳ тарафдори укамиз холис фикрларни билдирди, лекин, мен ўзимга ғоявий томондан сафдошим деб юрган укам Тўлқин Қораев ва мен умуман танимайдиган Мехрибон исми бир аёлни Путин сиёсатини қўллаши шахсан мени қарахт аҳволга солиб қўйди.

Ўзбекистонда яшайдиган аёлни-ку тушунса бўлади. У ҳақиқий Ўзбек экан, лекин, Тўлқинга нима бўлди?

У ҳамма нарсани тушинади-ку! Унинг айтишича, «минглаб сиёсий маҳбуслар ҳозир турмаларда ётибди экан ва биз Россияга қўшилсак, уларни ўрис чиқариб юборар» эмиш. Юз эллик йилдан бери миллионлаб ҳақиқатгўй миллилатдошларимизни, «ақлли бўлганликлари» учунгина қатл этган Россия бизларга раҳм қилиб, турмада ётган дўстларимизни чиқариб юборадими?

“Сенлармидинг, мутақиллик учун курашган!”-деб қоган-қутганларимизни ҳам тикади-ку!

«Бизга Америка душман эмишу Кремл дўст эмиш». Эй Худойим, буларга нима бўлаяпти ўзи?

Ўзи ҳар куни Россия телевидениелари орқали Путин тарғиботини кўравериб, жонимизга тегиб кетган бир пайтда муҳолифатчиман деб юрганлардан ҳам шундай гапни эшитиш дахшат бўлиб туюлди менга.

Ҳокимият тепасига Путин келгач, Чеченистонни қонга булади. У ерда Ватанини мустақиллиги учун курашаётган Жавҳар Дудаев раҳбарлигидаги кучларни миллатчи, террорчилар деб атади. Ҳозирда Донецк ва Харьков

нажот кутиш қайси мантиққа тўғри келади? Ҳой дўстларим, ўзи биз кимдан мутақил бўлган эдик? (ҳар ҳолда халқимиз тўла мустақил бўлмаган бўлса ҳам)

Ҳозирку Ўзбек ҳукумати халқаро жамоатчилик олдида бизларга ўхшаган беш-ўнта муҳолифатчиларни Ўзбекистонда ушлаб турибди, агар бизни тўла жилловимиз яна ўрисни кўлига ўтса, бизларга ўхшаганларни ҳам қамокка тикилишини тушиниб етмадингизми ҳозиргача?

Путинни, чор Россиясини ва Ленинни, Сталинни сиёсатини давом эттираётганини наҳотки ҳали ҳам тўла англаб етмаган бўлсангиз?

Агар тушиниб етмаган бўлсангиз нима учун муҳолифатчиман деб юрибсиз?

Биз мустақиллик учун курашганимизда қайси сиёсатга қарши курашганимиз ўзи?

Бугун қайси сиёсатга қарши курашяпмиз. Биз курашаётган сиёсатни замрида Кремль сиёсати турибди-ку! Бунчалар қулликни яхши кўрмаса булар!

Ўзбекистонда мана шундай фикрда бўлган сиёсий саводсиз кишилар борлиги учун ҳам, олдинга силжишимиз қийин кечаяпти.

Тўлқинни ва Тошкентлик синглимизни чиқишларини худди Украинадаги Путин тарғиботига учиб, (эхтимол уни пулига учиб) Рус ОАВларида чиқиш қилаётган Украиналик ўрисларни фикрларига ўхшатиб юбордим. Русияни қўллаётган эй биродарлар!

Шунчалик руспараст экансиз, у ёқларда нима қилиб юрибсиз? Россияга келиб, Путинни кучоғида яшавермайсизларми?

Носир Зокир

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятини Фарғона водийси бўйича мувофиқлаштирувчиси

Ўзбекистонда “сектантлар” муслмончиликка қайтишмоқда

Ўзбекистонда турли хил диний секталарга кириб қолган муслмонлар ўзларининг анъанавий эътиқодларига қайтишмоқда, деб ёзади 12news.uz.

Бундай шахсларнинг ўзаждодлари эътиқодига қайтишларининг асосий сабабларидан бири секта аъзоларининг дафн маросими билан боғлиқ муаммолар экани айтилади.

Хусусан, 2014 йилнинг февраль ойида Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида “Исо Масих черкови” сектасига мансуб икки шахннинг дафн маросимини қариндошлари муслмончиликка оид диний одатларсиз ўтказишга мажбур бўлишган. Туман маъмурияти вакилининг сўзларига кўра ушбу секта аъзолари бўлган Кырыкбай Турдымуратов ва унинг турмуш ўртоғи Алмагул Матназарова, ўғиллари Руслан Турдымуратов, Алишер Турдымуратов ва яна бир Мўйноқда истиқомат қилувчи Кайрат Серназаровлар муслмончиликка қайтиш истагида оқсоқолларга ва маҳалла имомига мурожаат қилишган. Улар “Исо Масих черкови” сектаси ғояларидан воз кечганликларини таъкидлашган ва миссионерлик фаолияти билан шуғулланганликлари ҳамда бошқаларни ҳам бу йўлга даъват қилганликлари учун кечирим сўрашган.

“Улар туман фаоллари қаршисида ва “Тўкпақ” ота масжиди ёнидаги йўловчиларга қараб ўзларининг адашиб бундай йўлга кириб қолганликларини, чин дилдан пушаймон эканликларини эътироф этишди. Ҳозирда Турдымуратов ва Серназаровлар оиласи ўз қўшнилари билан тинч ва аҳил яшамоқда, туманимиздаги турли тадбирларда қатнашишмоқда ва асосийси улар секталар томонидан олиб қўйилган ўз еркинликларини қайтариб олишди”, – дея таъкидлайди туман маъмурияти вакили.

UZBEK.FM



(Давоми: Боши олдинги сонда)



Каъба турли тарихларда бир неча марта қайта қурилгандир.

1. Ривоятга кўра, Аллоху Таоло кўк халқининг Байтул маъмурни тавоф этгани каби, ер халқи ҳам тавоф этишлари учун байтул маъмурнинг ердаги тимсоли сифатида малаклар воситасида биринчи Каъба қурилган.

2. Каъбани иккинчи марта иншо қилган Одам алайҳиссаломдир.

3. Одам алайҳиссалом вафотидан кейин унинг ўғиллари Каъбани тош ва лойдан такрор такрор тикладилар. Бу иншоат Тўфонга қадар турди. Тўфонда йиқилди ва ўрни билинмай кетди (500).

Каъбани Одам алайҳиссаломдан сўнгра илк бора ўғли Шийс алайҳиссалом лой ва тошдан қайта тиклади (501). Нух алайҳиссалом ва Иброҳим алайҳиссалом орасидаги замон ичида Каъбанинг ери сел босмайдиган, қизил кесакли бир тепа холида турган. Одамлар Каъбанинг ўрни ўша тепаликда эканини билишар, аммо айнан қаерда эканлигини айтолмасдилар. Шунга қарамай, ҳар тарафдан келган мазлумлар ўша тепаликка келиб сиғинишар эди. Машаққатга учраганлар у ерда дуо қилар ва дуолари қабул бўлар эди. Каъбанинг ўрни Иброҳим алайҳиссаломга билдирилгунга қадар одамлар у ерни тавоф қилишда давом этдилар (502).

4. Каъбани тўртинчи кез тиклаган Иброҳим алайҳиссалом ва ўғли Исмоил алайҳиссалом бўлди (503).

5. Вақт ўтиб, йиқилганда, бешинчи марта — Амоликалар;

6. Яна вақт ўтиб, йиқилганида, олтинчи марта — Журхумийлар (504);

7. Еттинчи марта — Қусойй бин Қилоб (505);

8. Саккизинчи марта — Қурайшлилар (506);

9. Тўққизинчи марта (ҳижрий 61-йилда) — Абдуллоҳ бин Зубайр;

10. Ўнинчи марта — Ҳажжож бин Юсуф ус-сақафий (507);

11. Ўнбиринчи марта — Усмонли подшоҳларидан Султон Аҳмаднинг ислоҳидан кейин, унинг ўғли Султон Мурод тарафидан янгилангандир.

Асаднинг билдиришига кўра, ҳижрий 11- аср бошларида Каъбанинг шарқ тарафида, деворда бир чатнаш пайдо бўлган. Ҳижрий 1019 йилида бу чатнаш янада каттайган.

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

Ўша пайтда Маккада кучли ёмғир ёғиб, сел келди, сув Масжиди Ҳарамнинг ичигача кирди. Каъбанинг шарқ ва ғарб деворлари билан “Ҳожар-ул асвад” тоши бирлашган девор чатнади.

Султон Маҳмаднинг ўғли Султон Аҳмад Байтуллоҳни йиқитиб, бу икки деворнинг тошларини биттасиникини олтин, иккинчисиникини кумуш қоплатиб, янгидан тикламоқчи бўлди. Фақат илм одамлари бунга монъе бўлишди. Бу чатнашни бир белбоғ билан ўраб, деворни йиқилишдан сақлаш мумкинлигини сўйладилар. Султон Аҳмад сариқ мисдан олтин қопламали бир белбоғ ясади. Белбоғ ҳижрий 1020-1021 йиллари орасида Каъба деворига блғланди. Султон Аҳмад бу иш учун 80 минг динор (олтин) харжади.

Ҳижрий 1039 йилида шобон ойининг ўн тўққизиди, чоршанба куни эрталаб соат иккида Маккага мисли кўрилмаган шиддатли ёмғир ёғди. Аср ва оқшом пайтлари Иброҳим водийси тарафидан оққан сел сувлари уй, дўкон, оғоч, тош, тупрок, нима дуч келса, ҳаммасини суриб, Ҳарам Шарифга, Байтуллоҳнинг ичига олиб кирди.

Бу сел оқими хуфтонгача давом этди. Сув Ҳарам Шарифдаги тавоф соҳаси атрофидаги устунлар тепасидаги осиглиқ қандилларнинг халқаларига қадар юксалди. Каъбанинг ичига ҳам калит тешигидан икки метр баландликда сув кирди. Ҳарам Шарифнинг эшикларидан бири — Боби Иброҳим эшиги очилиб, у ердан сувни Макканинг пастқамроқ ерларига оқизишга ҳаракат қилишди.

Селда мингга яқин киши ўлди.

Сел келган кун аср вақтида Каъбанинг Шом тарафидаги девори икки жабҳадан икки тарафга йиқилди. Йиқилар экан, шарқ деворининг эшикка қадар қисмини ҳам кўчириб олиб кетди. Бу деворнинг қолган қисмидан бошқа девор қолмади.

Шом тарафидан йиқилган девор Ҳажжож бин Юсуф ус-сақофийнинг қурдирган қисми эди.

Бу ҳол Миср устидан Истанбулга арз этилди. Хабар ташки мамлакатларга ҳам етди, ҳаж мавсуми яқин бўлганлиги туфайли, бу фалокат кўпчиликни ташвишга солди.

Миср волиси Арновут Маҳмат

Али Пошо подшоҳдан келадиган буйруқни қутмасдан Ридвон оғани Маккага жўнатди. Унга мустажол (шошилич) тадбирлар олиш учун ваколат берди. Ридвон оға ўша йил шаввол ойининг йигирма олтисида Маккага келди. Шавволнинг йигирма тўққизиди вазифасига киришди. Аввал Байтуллоҳ ичига тўпланган сел ахлатини тозалаш учун бир мажлис қилди. Музокара пайтида чиққан ихтилофларни олимларнинг фатволари билан ҳал қилди. Жидда, Мадина ва Қанфада мавжуд бўлган нақлиёт (транспорт) воситалари Маккага келтирилди, Ҳарам Шариф ва тавоф йўлларидаги лой ва ахлат чиқариб ташланди. Ҳарамнинг ичига тепалар қадар катта лой ва ахлат йиғилганди.

Тозалаш ишлари зулқайда ойининг ўн тўққизигача давом этди, ҳар куни ўттиз-қирқ минг юк лой, ахлат чиқарилди.

Сел хароб қилган йўллар, ҳовузлар, чашмалар ва Минога кириш йўли таъмир қилина бошланди. Бу иш рабби-ул охир ойининг тўққизинчи куни битди. Каъбанинг таъмири учун Мисрдан керакли ашёлар келтирилди.

Подшоҳнинг Истанбулдан йўллаган масъул кишиси ҳам Ридвон оға билан бирга ишлаб бошлади. Рабби-ул охир ойининг йигирма тўққизиди Саид Муҳаммад Нозир, Ридвон оға, Ҳарам шайхи Шамсиддин-ул Аттўкий ва муҳандис Али бин Шамсиддин афанди тарафидан Каъбанинг иншоат кашфи ва лойихаси ишлаб чиқилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бинонинг иншоат ишига муҳандислардан давлат муҳандиси Али бин Шамсиддин-ул Маккий, муҳандис Муҳаммад бин Зайнал Маккий, укалари муаллим Абдурахмон ва муаллим Сулаймон ус-Сахровий-ул Мисрий афандилар тайинланди.

Сулаймон ус-сахровий-ул Мисрий бош дурадгор эди. Усталар сифатида Фотих Абус-саид ут-табатибий-ул Маккий, муаллим Сулаймон б. Муҳаммад-ул Бажо, Ибн Хотим ва Нуриддин исмли усталар тайинланди. Буларнинг тўртолови ҳам Мисрлик эди. Жумад-ул охирнинг йигирма учиди, бозор куни Каъбанинг деворлари ўрилишга бошлади. Йигирма учинчида эрталаб тошларнинг йигирма бешинчи қатори тизилди.

Каъба ва унинг атрофига оид бутун ишлар зулхижжа ойининг иккинчи кунига қадар тамомланиб, байрам ва ҳилол пайтларида олов ёқиладиган ерларнинг иншоси билан иншоат ва таъмирот ниҳоясига етди (508). Усмонли тарихчиларидан Наимо (1065-1128) ўзининг “Тарих” асарида оригинал бир услубда ҳикоя қилади (509).

Халабий (975-1044) ҳам бу ҳақда қисқача хабар берган (510).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (11).

Каъба устига ўрнатилган ўртуклар кимлар тарафидан қилинди ва қандай ўрнатилди?

Каъбага ҳар хил ўртуклар ўртилиб келди. Масалан, қурбонлик туяга хибара, буруд каби Яманий газмол юкланиб, Каъбага ҳадия сифатида юборилар эди. Каъбага ҳадя этилган турли ўртуклар денгизли кўйи унгидан қилинган бўлиб, Каъбага осилар, қолгани омборларда сақланарди. Ўртуклар эскиганда улар янгиси билан алмаштириларди. Ўртуклар чиқарилмагани учун Каъбанинг усти устига ўртилган қат-қат ўртуғи бор эди (511). Авваллари ўртуклар Каъбанинг лой чапланмаган, тош қисмига ёпилар ва юқоридан ичидан боғлаб қўйиларди (512).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қилмасдан аввал, Каъбанинг устида чизикли Яман газмоли, терилар, кигизлар, сув қўйи юнгидан қилингани ёпилиб қўйилганди.

Навар бинти Малик Зайд бин Собитга хомила экан, Каъба устида

сувқўйи юнгидан, ипакдан, гардиши яшил ва сариқ рангдаги шоллар, кигизлар, бадавий кийимликлари, қондирдан тўқилган бўйралар, қилдан тўқилган кигизларни кўрганини айтади (513).

1. Исмоил алайҳиссалом отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг вафотидан кейин Каъба ва ҳаж амалларига оид хизматларни адо этишда давом этди (514). Икки даъфа Каъбанинг устига ўртук ўртди (515).

2. Сулаймон алайҳиссалом Иля (Қуддус) масжидини иншо қилиш ишидан бўшагандан кейин Маккага келиб, Каъбани тавоф этди ва унга ўртук ўртди. Каъбанинг ёнида қурбон сўйди, Маккада етти кун ўтирди (516).

3. Яман қироли Рабийъ бин Наср ўлимидан сўнгра бутун Яманга ҳоким бўлган Туббо Тубон Асъод абу Қариб Мадинани йиқиб, унинг халқини йўқ этишни истаганида, Бани Қурайзо яҳудийларининг иккита олими:

“Эй ҳукмдор, сен бу ишдан воз кеч, акс ҳолда қилишни истаган ишинг билан сенинг орангочилажак, биз ҳам сенинг бир фалокатга учрашигдан кўрқамиз. Чунки бу ер охирзамонда Қурайшлиларнинг яшаётган ери Ҳарамдан чиқадиган бир пайғамбарнинг ҳижрат юрти

бўлажак”, дея ҳукмдорни ниятидан воз кечтирган эдилар.

Тубоний мадиналикларга уруш очишдан воз кечиб, Яманга кетар экан, Усфон — Амаж яқинларида ҳузурига Хусайн бин Мудрика ўғилларидан икки киши келиб”

“Эй ҳукмдор, сендан аввалги ҳукмдорлар эътибор бермаган инжу, зумруд, ёқут, олтин ва кумушга тўла бир ҳазинани сенга кўрсатайликми? Бу ҳазина Маккада бир байт ичида бўлиб, маккаликлар бу байтга таъзим қиладилар, ёнида ибодат қиладилар”, дейишди.

Хузайлилар ҳукмдорининг бу ишга бош уриб, ҳалок бўлишини истардилар. Чунки улар Маккага ва Каъбага тажовуз этиб, зулм қилган ҳукмдорларнинг ҳаммаси ҳалок бўлганини билишарди.

Тубонийнинг ёнидаги яҳудий олимлар яна фикридан воз кечтирдилар ва Маккага борганда Каъбага таъзим этиб, халқига яхшилик қилишга ишонтирдилар.

Тубон Маккага бориб, Байтуллоҳни тавоф этди, Маккада қолган кунлари ичида икки минг

туя сўйиб, гўштини Макка аҳлига тарқатди ва бол-и шарбат икром этди. Тубон Маккада кўрган тушида Байтуллоҳга ўртук ўртганини кўрди ва Каъбани ҳасафдан тўқилган без билан ўртди. Кейинги тушида Байтуллоҳга гўзалроқ ўртук ўртганини кўрди ва маофир деб аталган Яман газмолидан ўртук тиктириб, Каъбага кийдирди. Сўнгра такрор тушида яна-да гўзалроқ ўртукни кўриб, муло ва ясаф деб аталган Еман газмолидан тўқилган бир ўртук ила Каъбани ўртди.

Туббо Журҳумийлардан ташкил топган Макка волийларига Байтуллоҳга ўртук ўртиб, тозалаб туришларини, қон, ўлакка ва ҳайз каби нарсаларни Байтуллоҳга яқинлаштирмасликни тавсия этди.

У Каъбага бир эшик, кулф ва калит ясаганди.

Сўнгра Маккадан чиқиб, аскарлари ва ёнидаги иккита яҳудий олим билан Яманга кетди (517).

Туббонинг Каъбага теридан ўртук ёпгани ҳақида ҳам ривоятлар бор (518).

Туббо Тубон Асъод абу Қарибнинг Маккага келиши ва Каъбага ўртук ўртиши пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг расул сифатида юборилишидан 700 йил аввал эди (519).

4. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бобоси Абдулмутталибдан аввалги аждодлари сифатида йигирманчиси Аднон ўз отаси Удаддан Каъба хизматларини олиб, юрита бошлаганида Каъбани ёғоч билан ўртган эди (520).

5. Жоҳилия даврида Каъбага ипак ўртук осган Ҳолид бин Жаъфар бин Қилоб (521) бўлиб, у Амр бин Ҳасофо қабиласининг Жаъфар ўғилларидан эди (522).

6. Қурайшийлар жоҳилия даврида Қуссой бин Қилобдан Абу Рабийъ бин Муғира бин Абдуллоҳ бин Умар бин Махзум замонида қадар Каъба ўртуғи борасида ёрдамлашар ва қабилаларга — молиявий кучлари нисбатида — солиқ солардилар.

Абу Рабийъ Яманга бориб келиб тижорат қиларди. Бой эди. У қурайшликларга “Каъбага бир йил мен ўртук ўртаман, бир йил бутун қурайшликлар ўртсин” деди ва ўлгунча Жанд қасабасидан хибара (чизикли, юпка еман газмоли) келтириб, Каъбани ўртишга давом этди (523).

(Давоми келгуси сонда)

Қирғизистоннинг Ўзбекистонга туташ Қорасув шаҳрида танилган 36 яшар имом Рашод қори Камоловга суиқасд уринишида гумон қилинган бир шахс қўлга олинди. Ўш вилоят ИИБдан олинган маълумотга кўра, бу шахс айна пайтда хибсада сақланмоқда ва суриштирув ишлари бормоқда. Норасмий манбалар бу шахснинг тошкентлик ўзбек экани ҳақида хабар қилмоқда. Ўш ИИБ: Суиқасдда гумон қилинган шахс

тилида гапирган ва қўлида Россия паспорти бўлган татар миллатига мансуб йигит бўлган.

«Йккови ҳам девкомат, кўринишидан военный подготавлидан ўтган спортивный йигитларлиги кўриниб турибди. Олдин бошқа масжиддаги битта намозхон йигитдан бизнинг масжиднинг



ҚОРАСУВДА РАШОД ҚОРИГА СУИҚАСДДА ГУМОН ҚИЛИНГАН БИР ШАХС УШЛАНДИ

қўлга олинди

Қирғизистоннинг Қорасув шаҳрида шаҳар ва Ўш вилояти ИИБ махсус отрядлари томонидан 25-26 апрель кунлари ўтказилган рейдда қорасувлик таникли имом, 36 яшар Рашод қори Камоловга нисбатан суиқасдга ҳозирлик кўраётганликда гумон қилинган шахс қўлга олинди.

Ўш вилоят ИИБ матбуот котиби Жениш Ашурбаевдан олинган маълумотга кўра, ҳозир суриштирув ишлари бормоқда.

«Ҳозир суриштирув ишлари бораёпти, бошқа маълумот беролмайман. Тез орада бу борадаги дастлабки натижалар матбуотга маълум қилинади», деди матбуот котиби.

Бунга қадар Озодликка Қорасув шаҳрида Рашод қорини суриштираётган ва унга қарши эҳтимолий суиқасдга ҳозирланаётган шубҳали икки шахс фош қилингани ҳақида хабар келган эди.

«Сарахсий» масжиди: Нотанишлар апрель ўртасида пайдо бўлган

Хабарларда айтилишича, апрель ойи ўрталарида бу номаълум шахслар қорасувлик ўзбек диндорлари жамоасида пайдо бўлган ва ўзларини сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияси бўлган чет эллик тадбиркорлар, деб тақдим қилган.

Аммо, тез орада уларнинг имом Рашод қори Камолов шахсияти билан қизиқа бошлагани сезилиб қолган.

Бу икки нотаниш билан бир неча бор юзлашган қорасувлик ўзбеклардан бирининг тахминича, 35-40 ёшлар атрофида шахслардан бири Тошкент шеvasида гапирган ўзбек бўлган, яна бири эса рус

имомни Рашод қорини сўрашган. Кейин у намозхон билан яқинлашиб юришганда, охири унга мақсадини билдиришганда. Хуллас, шунака заказ бор, агар информацияда ёрдамлашсанг 2 минг доллар, берамиз, деб айтишган. Қуруқ информациянинг ўзига», деди исмини айтмаслигимиз шарти билан Озодликка сўраган қорасувлик диндор йигит.

Россия фуқароси эканини айтган ва қорасувликларга паспортини кўрсатгани айтилган иккинчи шахснинг қаерда экани номаълум қолмоқда.

Рашод қори: Нотаниш шахслар масжидга қатнаганидан хабардормиз

Нотаниш йигитларнинг шубҳали ҳагти-ҳаракатлари қисқа фурсатда «Сарахсий» масжиди қавми эътиборини ҳам ўзига тортган ва бу шубҳалар ўша кездек имом Рашод қори Камоловнинг ўзига ҳам етиб борган.

Унга қарши эҳтимолий суиқасдга ҳозирликда гумон қилинган икки шахснинг қўлга олинганидан хабардорлигини айтган Рашод қори Камолов бу шубҳалар ҳафтадаёқ унга маълум бўлганини айтди.

Унинг айтишича, кафтдеккина Қорасув шаҳрининг диндорлари бир-бирини яхши танигани ва ҳимоя қилгани боис, бу гап тезда шаҳарда тарқалган ҳамда бу овозлар ортидан Қорасув шаҳар ва Ўш вилояти ИИБ ходимлари ҳам суриштирувни бошлаган.

- Бизнинг йигитлар айтиб келиши менга, шунака иккита ёлланма киллер юрибди орамизда, деб. Лекин, у болалар билан гаплашишгану, ушлаб бошқа қилмаган. Олдин яхшилаб кузатайлик ва кўпроқ далил олайлик, дейишган. Ўш вилояти

ИИБ ва Қорасув шаҳар ИИБдан ўтган пайшанба куни менга, масжиддаги болаларга боғланиб, сўрашди.

Эшитганимиз, кўрганимизни айтдик. Кейин улар паспорт контрол қилиб, у йигитларни ушлашибди. Ўша жойда бўлганлар ушланаётган пайтда у шахслардан бири орган ходимига қуролли қаршилик қилди, деяптию. Уларнинг ёнидан қурол чиқибди, валлоҳиаълам, мен анигини билмайман ҳали, — деди айна пайтда хорижда сафарда бўлган Рашод қори Камолов.

У номаълум икки шахснинг мақсади уни ўлдириш бўлганига биров шубҳа билан қараш, аммо бундай «зиёратдан бохабар қилиниши»да бир жиддий ишорат бор, деб билишини айтади.

- Чунки биласизми, агар мақсад мени ўлдириш бўлса, бунга тайёргарлик ҳам шартмас. Бизнинг масжид шундоқ Шаҳрихонсойнинг ўстида. 25 метрлик сойнинг у ёғида Ўзбекистон ҳарбийлари автомати билан туради. «Адашиб отиб қўйибмиз» дейдиган имкониятдада улар! Бу агар ҳақиқат бўлса, менимча қандайдир жиддий ҳаракатларга бир ишорат бериш ниятида қилинган иш бўлса керак, валлоҳиаълам, — деди Рашод қори Камолов.

Қорасувлик намозхон: Бу биринчи шубҳали ташриф эмас

Марказий Осиё миңтақасидаги уч республика — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонни туташтирган Фарғона водийсида танилган Рашод қори Камолов масжидида бунга қадар ҳам турли ният ва ҳаракатда бўлган номаълум шахслар кўп қайд этилган.

Қорасувлик диндор Дилёр

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Жумабоевнинг айтишича, аксар ҳолларда «Сарахсий» масжидига ибодатга йиғилган ўзбек намозхонларни яширинча видеога олаётган, суратга олаётган ёки мулоқотларни ёзишга уринган номаълум шахслар ушланади.

- Қорасув кичкина шаҳарда, ҳамма бир-бирини танийди. Кейин бизнинг шаҳардаги мусулмонларни бир-бирини қаттиқ ҳимоя қилади. Шунинг учун, издиҳомдаям хамиша сергак бизникилар. Сал нотўғри ҳаракат қилган нотаниш бирпасда билиниб қолади. Скрытый камера билан юрганлардан яқиндаям биттасини ушлавоқди болалар. Ҳар сафар шунақа ушлаб олиб, записларини ўчириб, чиқарворишадиди, қайтиб келмайдиган қилиб, — деди намозхон.

Рашод қори: Бу жиддий воқеага ишорат бўлиши мумкин

Рашод қори Камолов, унга қадар эса унинг 2006 йил 6 августда отиб ўлдирилган отаси — Фарғона водийсида танилган яна бир катта имом Муҳаммадрафиқ қори Камолов имомлик қилган «Сарахсий» масжиди. Қорасув шаҳрини икки қисмга – Ўзбекистон ва Қирғизистонга ажратадиган Шаҳрихонсойнинг шундоққина ёқасида жойлашган.

Икки давлат ўртасидаги борди-кедиларни деярли тўхтаб қўйган Ўш воқеаларига қадар бу масжидни Ўзбекистон Қорасувида истиқомат қиладиган, баъзан эса ундан ҳам олисроқдан келадиган мусулмонлар кўп зиёрат қилар эди.

Бундан зиёратларнинг муҳим сабаби эса 36 яшар Рашод қори обрўси бўлса, бунинг илк сабаби унинг отаси Муҳаммадрафиқ қори Камоловнинг мусулмонлар ўртасидаги эътибори эди.

У киши Қирғизистон ва Ўзбекистон махсус хизматларининг

Қирғизистон жанубида ўтказган махсус амалиёти чоғида ўлдирилган эди. Кейинчалик бу борада бот-бот расмий баёнот берган Қирғизистон расмийларининг асосий изоҳи Муҳаммадрафиқ қори Камоловнинг Ўзбекистон исломий ҳаракати халқаро террор ташкилотига аъзо, дейилган айблов билан кузатувда бўлган шахслар билан бирга бўлган ва амалиёт чоғида тасодифан отилган, мазмунида бўлган эди.

Аммо, кейинчалик бу воқеа бўйича жинойят иши номаълум муддатга ёпилган.

Шу тариқа ўқ еб вафот этган Рафиқ қорининг ўғли Рашод қори эса отасининг ишини давом эттириб, айни масжидда имомлик қилмоқда.

Тез орада у ҳам отаси каби ном қозонди ва ҳозир у ҳам Қорасув ва унга қўшни минтақаларда машхур ёш ўзбек имомларидан бирига айланди.

Содиқ қори: МОда ҳеч бир имом хавфсизлиги таъминланган эмас

Қирғизистонлик таниқли уламо, собиқ муфтий, айни пайтда 20 асрда ушбу минтақада доврў қозонган Камоловлар сулоласининг яна бир вакили Содиқ қори Камолов аслида бу минтақада ҳеч бир имомнинг хавфсизлиги таъминланмагани, мусулмонларга бошчилик қиладиган катта-кичик имомларнинг ҳаммаси ҳам қайсидир даражадаги катта-кичик хатарлар остида фаолият юритаётганини айтади.

Унга кўра, турли диний оқимлар нисбатан фаол кўринган Фарғона водийсидаги имомлар хавфсизлиги мутлақо таъминланмагани боис, ўз ҳаёти ва қавми хавфсизлиги учун масъулиятдан келиб чиқиб, имкон қадар хушёр ва эҳтиёткор ҳаракатда бўлиши керак.

Хусусан, Рашод қори Камоловнинг ҳаётига нисбатан эҳтимолий суиқасднинг олди

олингани ҳақидаги иддаоларга тўхталган уламо бу борада анча вазмин муносабатда эканини билдирди. У билан қурилган суҳбатни куйида тўлиқ тинглашингиз мумкин:

Ўзбек имомлари ва фолларига нисбатан суиқасдлар

Ҳаётига суиқасд уринишининг олди олингани иддао қилинган қорасувлик 36 яшар имом Рашод қори Камоловнинг отаси — Фарғона водийсида танилган имом Муҳаммадрафиқ қори Камолов 2006 йил 6 августда отилган.

2007 йилнинг 24 октябрда бу минтақада ном чиқарган мустақил журналист Алишер Соипов отиб кетилди.

2011 йилнинг 25 сентябрида ўзбек фаолларидан бири сифатида танилган муҳолифатнинг ёшгина фаоли Фуад Рустамхўжаев Россияда отиб кетилди.

2012 йил 22 февралда эса Швецияда уйи йўлагиди таниқли уламо Обид қори Назаров отиб кетилди.

Ўзбекларнинг диний ва сиёсий фаоллари ҳамда етакчиларига нисбатан содир этилган бу жинойтларнинг бирортаси тўлиқ очилгани, асл жинойтчилар эса жазога тортилганича йўқ.

Хусусан, Рашод қори Камоловга нисбатан таниш ёки нотаниш шахслар ҳамда идоралар вакиллари томонидан кузатув, назорат ва таъқиқлар ҳақида аввал ҳам кўп хабар қилинган.

Баъзан очик, баъзан яширин ҳолдаги бу кузатувларнинг аксар ҳолларда Қирғизистон ва Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматлари томонидан амалга оширилиши ҳақида иддаолар бор.

Хусусан, 2011 йилда Рашод қори Камолов Қирғизистон ИИБ томонидан ҳибсга олинган эди, қисқа сўроқ-саволлардан сўнг озод қилинган эди.

www.ozodlik.org

Ўзбекистонда бошқарув ҳодимлари сони 10% га қисқарди

Ўзбекистонда 2014 йил арафасида давлат тизимини янада такомиллаштириш ва бозор иқтисодиёти талабларини инobatга олган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чоралар мажмуи амалга оширилди деб хабар беради Podrobno.uz ахборот агентлиги.

Бунга бошқарув тизимига замонавий ахборот коммуникация

технологияларининг олиб кирилиши, бошқарув персонали сонини ихчамлаштириш ва уларнинг таъминоти учун харажатларни қисқартирилиши сабаб бўлган.

Хусусан, Podrobno.uz маълумотларига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги ҳодимлар сони 5432 тага, ёки 10%га қисқарган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги,

“Ўзбекнефтгаз” Миллий холинг компанияси, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Узкимёсаноат” ДАК ҳодимлар сонини қисқартириш бўйича етакчилар рўйхатидан жой олган.

Шу билан бирга хабарда ҳукуматнинг тегишли вазирликлар билан бирга қисқартиришга тушган ишчиларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширгани айтилади.

UZBEK.FM

(Давоми: Боши олдинги сонда)

1997 йилнинг кузида Муҳаммад Солиҳ Франкфуртдан Истанбулга келди. Ўзбекистон элчихонаси “Каримовнинг душмани” Истанбулга келганидан Туркия ҳукуматига шикоят қила кетди. 1997 йил ноябрида Ўзбекистон Президентининг Туркияга ташифи муносабати

ҚУРОЛСИЗ КИШИНING ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

билан Анқара Каримов хурматида Муҳаммад Солиҳни Болгарияга чиқариб юборди. Турк матбуоти Солиҳнинг Туркиядан чиқариб юборилишига қаттиқ реакция кўрсатди. Солиҳ Софияда бир ойча яшаб қолди. Сўнг яна яширин тарзда Истанбулга келди. 1998 йилнинг мартада Муҳаммад Солиҳ Руминияга чиқариб юборилди. Руминияда бир ойча ҳам турмади. Апрель ойининг бошларида Украинага ўтди, Киевга келди. У ерда “Рух” Халқ Ҳаракати лидери Вячеслав Черновил билан учрашди. Украина мухолифатчиси Солиҳнинг ҳаракатини қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Солиҳ май ойида Украинадан Москвага келди.

«Литературная газета» ва «Люди как они есть» журнали у билан суҳбатлашиб, суҳбат матнини ўз саҳифаларида чоп этишди.

Бу интервьюлар босилган заҳоти Муҳаммад Солиҳ атрофида ўзбек ҳукуматининг айғокчилари пайдо бўлди ва Солиҳ Киевга қайтишга мажбур булди. Июль ойида эса Базель шаҳри мэри таклифи билан уч ойлик муддат билан Швейцарияга келди. Шу ерда у ўзининг “Йўлнома” номли хотиралар тўпламини қоғозга туширди. Сентябрьда яна Туркияга қайтди.

1998 йилнинг ноябрида Бокуга бориб, Абулфайз Элчибей билан кўришди. У ердан эса Москвага ўтиб, генерал Александр Лебедь билан учрашди. Декабрьда яна Истанбулга қайтиб келди.

Портлашлар

Бошловчи: 1999 йилнинг 13 февралда полковник Анвар Солиҳбоев бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) ходимлари Анқарага келишди. Солиҳбоев Туркия ҳукуматидан Ўзбекистонга жўнаётган экстремистларни кузатиш учун Туркия аэропортларида ўз жосус агентларини жойлаштиришга руҳсат сўрайди. Айни шу кунларда Тошкентда ҳам

ғаройиб воқеалар содир бўлаётган эди. Барча фаол мухолифатчиларнинг уйлари кузатувга олинганди. Тошкентда уч кун, 13-14-15 февраль кунлари, МХХ агентлари ва махсус хизмат ходимлари «Эрк» партияси котиби Отаназар Ориф, ҳуқуқ ҳимоячиси Мўътабар Аҳмедова, ёзувчи Мамадали Маҳмуд,

Муҳаммад Солиҳнинг қизи Нигор, инилари Комил, Жуманазар, Рашид Бекжонлар яшайдиган Хоразмдаги уйлари ҳам қаттиқ кузатув остига олинганди. 16 февраль кунги Тошкент марказида бомбалар портлашидан сўнг биринчи бўлиб айнан шу кузатувга олинган уй эгалари ҳибсга олинди. Ҳали портлатганларнинг бирортасини ушланмай туриб, ҳуқуқат бу ишни дин фанатиклари билан бирга Муҳаммад Солиҳ амалга оширди деб жар сола кетди. Бу ишнинг сиёсий тамғаси аввалдан маълум эди...

М.Солиҳ: «16 февраль портлашларининг ҳуқуқат томонидан уюштирилганлиги сиёсий махбус Зайниддин Аскарлов каби инсонлар гувоҳлигида тасдиқланган бир фактдир».

З.Аскарлов: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Мен Зайниддин Аскарлов Абдурасулович, 1971 йилда туғилганман. 16 февраль воқеаларида айбланиб 11 йил озодликдан маҳрум этилганман».

Ҳозир суд паносига келаман. Менга бўлган ваъда – Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги олтига «вышка» дагилар отилмаслиги эди. Отилмай, «вышка» бериб, президент томонидан кечирим сўралишлик, кейин авф қилишлик ваъда қилинган. Охири мен ваъда қилдим, «бўпти, мен рол ўйнаб бераман! Муҳаммад Солиҳни ёмонлашми, ҳа». Муҳаммад Солиҳ билан бизнинг келишувимиз шу эдики, Муҳаммад Солиҳ, сизлар золимнинг кўлига тушиб қолган вақтинларда, манга тухмат қилиш керак бўлиб қолса, мани сўқиш керак бўлса сўқвораверинлар, чунки халқ ҳам билади буни, ҳамма яхши билади, деганди. Муҳаммад Солиҳ хафа бўлмайди, деган мақсадда ман майли деб Муҳаммад Солиҳга тухмат қилиб, «16 февралга алоқаси бор, 1 миллион 600 минг берган эди, Тохир спонсор эди» деган нарсаларни ман йиғламираб гапириб, рол ўйнаб беришга рози бўлдим.

Мақсадим, мани мақсадим

Баҳром Абдуллаевдек «легиондор» қориларни сақлаб қолиш эди. Абдували қори акаларнинг чиқиши эди, қори акаларнинг ҳаммаси авф бўлишлиги эди, шуларнинг ҳаммаси именно ички ишлар министри Зокир Алматов мани қақариб, «Муҳаммад Солиҳни ёмонлаб берсанг, мана шунинг ролини ўйнаб берадиган бўлсанг, ҳаммаси авф бўлади, отилмайди булар, сангаям енгиллик бўлади, суд залидан чиқиб кетасан», дегани учун Аллоҳ шохидки, ман ўзимни қутқариш учун эмас, ана шуларни қутқариш учун ман шу нарсаларга мажбур бўлганман ўша вақтда. Лекин булар чиқарганим йўқ, уларга «вышка» ҳам берворди. «Вышка» берворишининг сабаби, улар сирни биларди. Сирни билишлиги учун уларни йўқ қилиб юборди. Лекин улар бизга айтиб ўтиб кетган эди ҳаммасини, шундай-шундай-шундай бўлган деб».

Шунинг учун сизларнинг радиостанциялар орқали аввало «Эрк» партиясининг раҳбари Муҳаммад Солиҳдан кечирим сўрайманки, ўша вақтда унга тухмат қилганмиз, ҳақиқатдан мажбуран тухмат қилганмиз. Ўзимиз Ўзбекистон халқининг олдида гуноҳқормизки, чиқиб 16 феврални баъзи бир нарсаларига алданиб қолиб, бу золим диктатор, кофирларнинг ваъдасига алданиб қолиб, рол ўйнаб, мусулмонларнинг обрўсига путур етказганимиз учун бутун Ўзбекистон халқидан биз кечирим сўраймиз.

Муҳаммад Солиҳнинг - Аллоҳга қасам ичиб айтаман бу гапимни дунё-ю охиратда - умуман террористларга, террорга алоқаси йўқ ҳеч қанақа. Умуман алоқаси йўқ. Ман демократ эмасман, у одамни яхши кўриш, ёмон кўриш мақсадим ҳам йўқ. Холисона баҳо беришда ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Бу бизнинг сиёсий кўрлигимиз, ишонувчанлигимиз, Зокир Алматовнинг берган ваъдаларига ишонганлигимизнинг натижаси ҳолос. Бу гапдан кейин бизни отворса, биз шахид бўлиб кетаверамиз. Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳимоя қилса, яхши. Тураверамай. Лекин бизни биров ҳимоя қилиш-қилмаслиги бу гапни айтишимиздан тўсиб қўймайди».

М.Солиҳ: Бу портлашлар Ўзбекистон Президентини ўлдиришга қаратилганди, деган иддаонинг ўзи бунинг очиқ фитна эканини кўрсатанди. Шаҳарнинг бешта турли нуктасида турли вақтларда содир бўлган портлашлар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билан қандай қилиб битта шахсни ўлдириш мумкин эканлигини ҳеч ким изоҳлаб бера олмайди.

Бошловчи: 16 февраль портлашларидан кейин биринчи зарба ЭРК партияси аъзоларига йуналтирилди. Иккинчи зарба муҳолифатга хайрихоҳ бўлган кишилар

ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ

(Хужжатли фильм сценарийси)

қатламини ўз ичига олди. Қамокқа олиш ва ҳибслар бутун МДХ давлатларини қамраб олди. 15 март куни Киевда Муҳаммад Бекжон билан “ЭРК” фаоли Юсуф Рўзимуродов ҳибсга олинди. Маълумотларга қараганда 16 февраль сўнг ўзбек ҳукумати томонидан икки мингга яқин киши ҳибс этилди. Портлашлардан кейинги дастлабки кунданок, ҳукумат матбуоти, радио ва телевидениедан Муҳаммад Солиҳга қарши қоралаш компанияси авж олди.

Ўша кунларда Россиянинг кўзга кўринган таниқли ёзувчилари, сиёсатчилари ва жамоат арбоблари “Инсон ҳуқуқи ва озодлиги ҳимояси” журналида эълон қилган Мурожаатда шундай сўзлар бор эди:

“Газета ва журнал саҳифалари, радио ва телевидение эшиттиришлари орқали Муҳаммад Солиҳ номига бўҳтон ва тухматдан иборат иғво хабарлар тинимсиз тарқатилмоқда. Буларнинг барчаси Сталин ва Брежнев давридаги тоталитар совет тузумининг машъум йилларини, Андрей Сахаров ва Александр Солженицинларга бўлган таъқиб ва тазйиқларни эслатмоқда.” (“Защита прав и свобод человека”, № 4 (11) 21.05.1999.)

Муҳаммад Солиҳ ва ўзбек муҳолифатини ҳимоя қилиб худди шундай Мурожаатнома Озарбайжон Халқ Фронти раҳбарлигидаги Озарбайжон муҳолифати ҳам қабул қилган ва Мазкур Мурожаатномага Озарбайжон сиёсий партияси раҳбарларидан 12 нафари имзо чекишганди. Уларнинг орасида Абулфайз Элчибей, Иса Гамбаров ва бошқа таниқли арбоблар бор эди. Украина Олий Радасининг 36 депутати у раҳбарлигидаги ўзбек муҳолифатини ҳимоя қилиб дунё халқларига Мурожаат қабул қилишди. Хатга имзо чеккан депутатлар орасида Крим турклари лидерлари Мустафо Жамил ва Руфат Чубарўғли ҳам бор эди. Худди шу кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқинлар иши бўйича Комиссарлиги Муҳаммад

Солиҳ ва унинг оила аъзоларига сиёсий қочқин мақомини берди. 1999 йил апрель ойида у оила аъзолари билан Ослога келди.

Истанбул жанжали

Бошловчи: Бу воқеа Европа Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Истанбулдаги

йиғилиши олдидан содир бўлди. Йиғилишга таклиф қилинганлар ичида Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эди. Буни эшитган президент Ислон Каримов ғазаб билан саройдаги бир неча телефон ва ликопчаларини отиб синдирди. Ўзбекистон Ташкилотлар Вазирлиги Абдулазиз Комилов Президентни тинчлантириш учун «Муҳаммад Солиҳ йиғилишга келса, икки қардош республика муносабатларини яна-да ёмонлаштириши мумкинлиги» ҳақида Туркия ташкилотлар вазирлигини огохлантирди. Кейин ЕХХТ офисига «Каримов душманини шундай муҳим йиғилишга таклиф қилганига расмий равишда эътироз» билдирди. Бу сиёсий можаро ҳақида “Cumhuriyet” оммабоп турк газетаси шундай деб ёзди: “ЕХХТ йиғилишидаги жанжал” номли мақоласида шундай ёзганди: “Солиҳни ЕХХТ йиғилишига таклиф қилинганини билган Ўзбекистон ЭРК лидерини ташрифига таъсир кўрсатишни талаб қилиб Европа Хавфсизлиги ва Хамкорлик Ташкилоти ва Туркияга босим ўтказди. Натижада ЕХХТ Туркия “илтимосига кўра” Солиҳга юборилган таклифнома ни қайтариб олишга қарор қилди.” (“Cumhuriyet”, 11.11.99)

“Radikal” газетаси шундай деб ёзди: “Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг антидемократик ҳаракати Истанбулда ўтадиган ЕХХТ йиғилишига соя ташлади. Каримов йиғилишда қатнашмаслиги билан Туркияга таҳдид қилиб, ўз рақиби Муҳаммад Солиҳнинг Истанбулга ташрифини бекор қилинишига эришди. Солиҳни йиғилишга келиши учун меҳмонхонада жой ҳам ажратилган эди. Каримовнинг таҳдидидан сўнг Туркия ишлар Вазирлиги Норвегия билан боғланди ва Туркия ҳукумати Солиҳни агар келадиган бўлса, орқага қайтариб юборишга мажбур бўлишлари ҳақида огохлантирди”. (“Radikal” 11.11.1999)

Муҳаммад Солиҳнинг келишига тўсиқ қўйилгач, Каримов Истанбулга келди. Аммо охиригача утирмай, Туркия Бош вазирлиги Эжевитдан ўпкалаб, Тошкентга жўнаб қолди.

Истанбул аламини бостириш учун Каримов ўз ҳузурига Олий суд раисини чақириб, унга Муҳаммад Солиҳни маҳкамага тортиб амрини берди. 2000 йилнинг 30 октябрида Ўзбекистон Олий суди Муҳаммад Солиҳни 15,5 йил озодлиудан маҳрум этиш ҳукмини чиқарди. Бу ҳам камлик қилди. Каримов энди Муҳаммад Солиҳни жисмонан йўқ қилишга қарор берди.

Суиқасдчи президент

Бошловчи: Бу ҳақда Россиядаги ТВ-Центр каналининг «НАША ВЕРСИЯ: Под грифом секретно» кўрсатуви лавҳаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Михаил Маркелов: “С Вами Михаил Маркелов. В эфире 3-выпуск программы «Наша версия, под грифом секретно».

История, которую мы хотим сегодня рассказать, покажется на первый взгляд, неправдоподобной. Но тем не менее хочу предупредить, что все события и герои этих событий реальные.

Сегодня мы расскажем о том, какими способами в Узбекистане борются с оппозицией. В 2000 году узбекский бизнесмен, бывший сотрудник МВД по имени Бахром Муминахунов, работающий в Москве и делающий хлопковый бизнес вместе с чеченскими партнерами, вылетает в Ташкент.

Туда его вызывают бывшие коллеги по работе, и приглашают на беседу в СНБ, а затем и в Интерпол. Также и эти представители чеченского народа знали Муҳаммада Салиха.

Нашего героя Бахрому Муминахунова представители СНБ Узбекистана просят организовать встречу в Ташкенте с бригадой чеченцев. Он выполняет просьбу узбекских чекистов и интерполовцев.

Маркелов: Что это товарищи, которых были которых вы привезли в Узбекистан?

Муминахунов: Эти ребята - чеченцы, имели связь, видимо с Муҳаммад Салихом. В общем, закончилось тем, что они мне в аэропорту говорят: «Ты знаешь, нам предложили физически устранить Муҳаммада Салиха. Они предлагают за это деньги».

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бинобарин, қайси динда, эътиқодда, миллатда бўлмасин, ҳар қандай баҳоналар билан Одам болаларига душманликни тарғиб қилиш Иблис малайларининг ишидир.

Нарсаларнинг номларини билишдан бошқа на илми, на дини, на китоби бўлмаган Одамга Иблиснинг сажда қилишдан бош тортиши туфайли кофир бўлиб,

Айнан шу мезоннинг бузилганлиги, инсоннинг ҳурмати биринчи ўринга қўйилмагани, инсон ҳидояти, бахт-саодати учун Меҳрибон ва Ҳикматли ЗОТ тарафидан бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган динни ички ва ташқи адоватларга асос қилиб ушлангани мудҳиш ва хатарли адашишдир.



ДЕМОКРАТИЯ ВА ИСЛОМ: ЗИДДИЯТМИ, УЙҒУНЛИКМИ?

Аллоҳнинг даргоҳидан қувилгани, Одам болаларининг ҳурмати нақадар улуғ ва зарур нарса эканини ифодалайди.

Ҳаким ва Алим бўлган Аллоҳ таоло “Бақара” сураси 34 оятида айтади: “Биз фаришталарга “Одамга сажда қилинганлар” дедик. Бас сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортди ва кибр қилди ва кофирлардан бўлди”.

Модомики, Одам болаларини, инсон зотини дини, ирқи, миллати, келиб чиқишидан қатъий назар эъзозлашни, ҳурмат қилишни қоида қилиб ушланмас экан, илму-амали, насаби, дини, ҳизби қандай бўлмасин Аллоҳнинг қаҳрига учраб Иблиснинг ордидан эргашиб кетиши турган гап.

Дарвоқеъ, Ғарбнинг барча ютуқларининг асл сабаби – инсон ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилгани экани – барча тан олган ҳақиқатдир. Бинобарин ислом ўлкаларининг таназзули ва қолоқлигининг асл сабаби ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборсизлигидир.

Токи шу масала керакли даражага кўтарилмас, ўнганмас экан, барча баландпарвоз даъволар, ҳаракатлар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Ваҳоланки, бу дунё ҳам, самовий динлар ҳам, китоблар ҳам инсоннинг ажлдан, сабабидан, инсон учун яратилгандир, нозил қилингандир.

Зотан, Аллоҳ таоло Ўзи “Ер юзидаги халифа” деб улуғлаган Бани Одамнинг ҳурмати, муқаррамлиги, эъзози барча нарсдан устун, биринчи ўриндаги масала деб қаралиши лозим.

Азиз ва Ҳаким Аллоҳ таоло “Исро” сураси 70 оятда марҳамат қилади: “Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-муқаррам қилдик..., ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”.

Одам болаларини динига, эътиқодига, иш-амалларига қараб муносабат, муомала қилишни ташлаб, баҳо беришни ишларнинг ҳақиқий Эгасига ҳавола қилиб, инсонни эъзозлашни, унинг ихтиёрини, танловини ҳурмат қилишни йўлга қўйилмас экан, ислом юртлари ҳозирги ижтимоий ва иқтисодий қолоқлик ва таназзулдан қутула олмайдилар.

Токи дини, ирқи, миллати қандай бўлишидан қатъий назар, одамлар ўзларини муқаррам, муаззам, азиз инсон эканликларини тўла ҳис этиб яшай оладиган жамият қуриш мақсади биринчи ўринга қўйилмас экан, “ҳақиқий исломий давлат” қуриш каби баландпарвоз даъволар, барча уринишлар, шиорлар, ҳаракатлар охири-оқибат муваффақиятсизликка, тушкунликка, ҳаёлий орзуларга айланиб қолаверади.

Қанчадан-қанча бесамар ҳаракатлар, нобуд бўлган умрлар, синган тақдирлар беҳуда кетгани қолади, холос.

Ўзининг шахсий эҳтиросларини жиловлай олмайдиган, диннинг асл моҳиятини, ўрнини, вазифасини тўла англай олмай, фақат ўзининг тор тушунчасидаги “дин”нинг ҳимоясини мақсад қилиб олган ва бу йўлда бутун инсониятни бўлса ҳам қурбон қилишга тайёр “раҳнамоларни” бу беҳуда “қурбонликларнинг” уволи тутиши, Аллоҳ олдида сўроққа тутилиши муқаррам...

Ҳақиқий демократик давлатларда эса инсоннинг ақли, тушунчаси ва ихтиёрини ҳурмат қилиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифа қилиб олингани туфайли ҳар қандай одам ўзини муқаррам инсон эканини тўла ҳис этиб яшамоқда.

Демак, ислом юртларида ҳам зўрликни, демагогияни эмас, балки инсонпарварликни, одамийликни,

инсон ихтиёрини, ҳаётини, эркинлигини эъзозловчи гўзал мавъизалар билан даъват қилинган, инсоннинг қандай йўл танлашини ва бу танловини қандай бўлишидан қатъий назар, бутун жамият ҳурмат қилишини таъминловчи қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш лозим.

Зотан, Аллоҳ таолонинг, “Бир-бирингиздан ёмон гумон қилмангиз, бир-бирингизни текшириб жосуслик қилманглар, бир-бирингизни ўлдириб гўштингизни егандай гийбат қилманглар” деган ғоят муҳим буйруқларини амалга ошириш, ҳамда “Сизларга ўз амалларингиз, бизга ўз амалларимиз, сизларга ўзларингизни динингиз, бизга ўзимизнинг динимиз” деган оятларини ҳаётга тўла татбиқи ҳам айнан инсоннинг ихтиёрига, эркинлигига ҳар хил, кўп ҳолларда гўё диний баҳоналар билан тажовуз қилинишидан сақлайди.

Айнан шу қонун, қоидаларнинг жамият ҳаётида тўла жорий қилиниши инсонларнинг ўзаро гўзал муносабатларини, ҳар бир инсоннинг ўзини эркин, ҳуқуқлари ҳимоя қилинган, ҳар хил тазйиқлардан озод, дахлсиз сезиб, бахтиёр ҳаёт кечиришини таъминлайди. Дарвоқеъ, айнан шу қонун, қоидаларни жамият ҳаётига самарали татбиқ этганлари туфайли Ғарб давлатлари ҳар томонлама юксак натижаларга эришганликлари исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Замир Малик